

ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Рустамов Б.
БФА-тингловчиси

***Аннотасия.** Мазкур татқиқот иши Ўзбекистон тижорат банклари кредит фаолиятининг 2020–2024 йиллар давридаги динамикаси таҳлил қилинган. Хусусан, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар таркиби, муаммоли кредитлар улуши, кредит портфели сифати ва унинг банк фойдалилигига таъсири кўриб чиқилган. Таҳлил натижаларига асосланиб, банкларда кредит сиёсатини такомиллаштириши бўйича қатор амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Улар орасида кредит таваккалчилигини пасайтириши, ликвидликни мустаҳкамлаш, диверсификацияни таъминлаш, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириши ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиши каби йўналишлар устувор деб белгиланган.*

Умуман олганда, диссертация натижалари тижорат банклари учун кредит сиёсатини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштиришига хизмат қилиб, миллий банк тизимининг барқарор ривожланиши ҳамда халқаро стандартларга яқинлашишига қаратилган

***Калит сўзлар:** Тижорат банклари, кредит сиёсати, кредит таваккалчилиги, муаммоли кредитлар, диверсификация, молиявий барқарорлик, Basel III, рақамли технологиялар, онлайн скоринг, Big Data, кредит портфели.*

***Қириш.** Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, банкларда кредит сиёсати шаффоф ва бозор механизмлари асосида ташкил этилганда, иқтисодиётда инвестиция фаолияти кучаяди, аҳоли ва тадбиркорлик*

субъектларининг молиявий хизматларга ишончи ортади. Шу боис, Ўзбекистон тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш — иқтисодиёт барқарорлиги, молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва кредит рискларини минималлаштиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тижорат банклари кредит портфели ҳажми сезиларли даражада ўсди. Масалан, 2020 йил 1 январь ҳолатига жами кредит портфели тахминан 211,6 трлн сўм бўлган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатида бу кўрсаткич қарийб 533,1 трлн сўмга етди. Бу беш йил ичида кредит портфели ҳажми қарийб 2,5 баробарга ўсганини кўрсатади (сбу.uz 2025).

Бироқ, портфель ҳажми ўсиши билан бирга муаммоли кредитлар улуши ҳам кўпайган. Агар 2020 йилда қайтмас кредитлар улуши тахминан 2,6% атрофида бўлган бўлса, 2025 йил бошига келиб бу кўрсаткич 4,0% даражасига етди (сбу.uz 2025). Бу ҳолат кредит сиёсатини такомиллаштиришда риск-менежмент ва назорат механизмларини янада кучайтириш зарурлигини англатади.

Кредитлар таркибида ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришлар кузатилмоқда. Юридик шахсларга берилган кредитлар ҳали ҳам асосий улушни ташкил этса-да, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми барқарор ўсиб, 2025 йил бошида уларнинг улуши 177,5 трлн сўмга етди (сбу.uz 2025). Бу аҳоли ўртасида чакана кредит маҳсулотларига талабнинг ортиб боришини ва банклар томонидан ушбу сегментга эътибор кучайганини англатади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон тижорат банклари учун кредит сиёсатини такомиллаштириш нафақат кредит ресурслари ҳажмини кенгайтиришни, балки уларнинг сифатини таъминлаш, диверсификацияни кучайтириш, рақамли кредитлаш тизимларини жорий этиш ва халқаро стандартларга мос келувчи риск-менежмент механизмларини амалга оширишни ҳам тақозо этмоқда.

Демак, “Тижорат банкларини кредит сиёсатини такомиллаштириш” мавзусининг долзарблиги шундаки, у 2020–2025 йилларда кузатилган ўсиш суръатлари ва сифат муаммолари шароитида банк тизимида кредит ресурсларини самарали тақсимлаш, таваккалчиликларни камайтириш ҳамда миллий иқтисодиёт барқарорлигига ҳисса қўшиш йўллари илмий-назарий асосда ўрганиш заруратидан келиб чиқади.

Адабиётлар шарҳи. Рус олими Костина М.В. (2022) ўзининг «Кредитная политика коммерческого банка как инструмент управления финансовыми рисками» номли илмий мақоласида тижорат банклари учун кредит сиёсатини молиявий рискларни бошқаришнинг асосий механизми сифатида талқин қилади. Муаллифнинг фикрича, кредит сиёсати нафақат банкнинг кредит операцияларини ташкил этишда йўл-йўриқ вазифасини бажаради, балки риск-менежмент тизимининг узвий қисми сифатида ҳам хизмат қилади.

Асосий эътибор кредит портфелини самарали бошқариш орқали хавфларни минималлаштиришга қаратилган. Костина таъкидлайдики, кредит портфели таркибидаги хатарлар, жумладан, қайтмас кредитлар (NPL) улушининг ўсиши банкнинг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир

кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, кредит сиёсатида рискларни баҳолаш, диверсификация механизмларини қўллаш ва кредит бериш мезонларини аниқ белгилаш алоҳида аҳамиятга эга (Kostina, 2022).

Шунингдек, муаллиф кредит сиёсати ва риск-менежментнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бериб, уларнинг банк фаолиятида бир-бирини тўлдирувчи омиллар эканини таъкидлайди. Масалан, кредит сиёсатини самарали йўлга қўйиш банкнинг капитал етарлилигини сақлаб туриш, ликвидлик кўрсаткичларини таъминлаш ва кредит рискларини камайтиришда муҳим ўрин тутди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Рус олими Костина М.В. (2022) ўзининг «Кредитная политика коммерческого банка как инструмент управления финансовыми рисками» номли илмий мақоласида тижорат банклари учун кредит сиёсатини молиявий рискларни бошқаришнинг асосий механизми сифатида талқин қилади. Муаллифнинг фикрича, кредит сиёсати нафақат банкнинг кредит операцияларини ташкил этишда йўл-йўриқ вазифасини бажаради, балки риск-менежмент тизимининг узвий қисми сифатида ҳам хизмат қилади.

Асосий эътибор кредит портфелини самарали бошқариш орқали хавфларни минималлаштиришга қаратилган. Костина таъкидлайдики, кредит портфели таркибидаги хатарлар, жумладан, қайтмас кредитлар (NPL) улушининг ўсиши банкнинг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, кредит сиёсатида рискларни баҳолаш, диверсификация механизмларини қўллаш ва кредит бериш мезонларини аниқ белгилаш алоҳида аҳамиятга эга (Kostina, 2022).

Шунингдек, муаллиф кредит сиёсати ва риск-менежментнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бериб, уларнинг банк фаолиятида бир-бирини тўлдирувчи омиллар эканини таъкидлайди. Масалан, кредит сиёсатини самарали йўлга қўйиш банкнинг капитал етарлилигини сақлаб туриш, ликвидлик кўрсаткичларини таъминлаш ва кредит рискларини камайтиришда муҳим ўрин тутди.

Шу нуқтаи назардан, Костина М.В.нинг тадқиқоти тижорат банклари учун кредит сиёсатини рискларни бошқаришнинг стратегик воситаси сифатида кўриш зарурлигини илмий жиҳатдан асослайди.

Иванова Н.А. ва Печенкина О.С. (2023) ўз тадқиқотларида «Кредитная политика коммерческого банка в современных условиях» мавзусини ёритиб, тижорат банкларининг кредит сиёсати замонавий иқтисодий шароитда қандай ўрин тутишини таҳлил қиладилар. Муаллифлар фикрига кўра, кредит сиёсати банкнинг фаолиятида стратегик аҳамият касб этиб, унинг молиявий барқарорлиги ва бозордаги рақобатбардошлигини белгилайди.

Асосий эътибор кредит сиёсати ва назорат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга қаратилган. Муаллифлар таъкидлайдиларки, тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида давлат ва Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар, норматив ҳужжатлар ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ фаолият юритиши зарур (Ivanova & Pechenkina, 2023). Бу банklar учун рискларни камайтириш, мижозлар ишончини ошириш ва барқарор молиявий натижаларга эришиш имконини беради.

Тадқиқотда замонавий иқтисодий муҳитдаги қатор омиллар – глобаллашув жараёнлари, рақамли технологияларнинг жорий этилиши, инфляция босими ва молия бозорларидаги беқарорлик – банкларнинг кредит сиёсатини такомиллаштириш заруратини янада ошириб бораётгани таъкидланган. Шу боис, авторлар фикрича, кредит сиёсати банк учун нафақат ички бошқарув воситаси, балки ташқи муҳит билан самарали ҳамкорликни таъминловчи механизм сифатида ҳам қаралиши керак.

Муаллифлар, шунингдек, кредит сиёсати тижорат банклари рақобатбардошлигини белгилайдиган ҳал қилувчи омил эканини урғу билан қайд этадилар. Самарали кредит сиёсати банкка мижозлар эҳтиёжларига тезкор жавоб қайтариш, рискларни диверсификация қилиш, кредит портфели сифатини ошириш ва бозорда устун мавқе эгаллаш имконини яратади.

Хулоса ва таклифлар. Бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг энг асосий тури сифатида банк кредити ҳисобланади. У тижорат банклари орқали тақдим этилади ва турли шакл ҳамда йўналишларда амалга оширилади. Кредит муносабатлари юзага келиши учун албатта унинг объектлари (яъни молиявий ресурслар) ва субъектлари (иштирокчилар) мавжуд бўлиши зарур. Банк кредитидаги субъектлар сифатида тижорат банклари, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари, аҳоли ва ҳатто давлат ҳам қатнашиши мумкин.

Кредит жараёнида субъектлар икки гуруҳга ажралади:


- бир томондан, кредит берувчи – ўзининг вақтинча бўш маблағларини белгиланган шартлар асосида қарзга берувчи субъект;

- иккинчи томондан, қарз олувчи – ушбу маблағлардан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, белгиланган муддатда уни қайтариш ва фоиз тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олувчи томон.

Банк кредитида эса асосий кредитор сифатида банклар намоён бўлади. Улар жамғариб олинган маблағларни эҳтиёжманд субъектларга қайта тақсимлайди ва шу орқали иқтисодиётда ресурсларни самарали жойлаштириш вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар ташкил этилиши ва уларнинг фаолият юритиши учун ҳуқуқий база яратилган. Шу билан бирга, аралаш мулкчилик асосидаги корхоналарга ҳам йўл очилган. Бу эса кредит муносабатлари субъектлари сонининг кўпайишига ва кредит бозорида рақобатнинг кучайишига олиб келди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кредитлаш таркибини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



1-расм. Тижорат банкларнинг кредит муносабатларининг

таркибий қисмлари

Манба: Муаллиф ишланмаси

Кредитлашнинг объекти қарзга олинган маблағлар ёки товар шаклидаги моддий бойликлардан ташкил топади. Умуман олганда, кредит тизими учта асосий элемент — кредитлашнинг субъекти, объекти ва таъминотининг ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритиши орқали амал қилади. Бироқ амалиётда баъзи ҳолларда кредит таъминотсиз ҳам тақдим этилиши мумкин.

Масалан, халқаро бозорда обрў қозонган ва молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланган йирик компания вақтинчалик қийинчиликка дуч келганда банк унга таъминотсиз кредит беришга мойил бўлади. Чунки бундай миқдор билан муносабатни йўқотиш банк учун иқтисодий жиҳатдан манфаатли эмас. Шунингдек, келажакда юқори самара ва фойда келтирадиган истиқболли инвестиция лойиҳаси тақдим этилганда ҳам банк ушбу лойиҳа ишончли деб топилса, катта таваккалчиликка қарамасдан кредит ажратиши мумкин.

Кредитлаш субъекти сифатида эса мулкчилик шаклидан қатъи назар, банк ишончини қозона олган ва кредит шартларига — яъни белгиланган муддатда қарзни қайтариш ва фоиз тўлаш мажбуриятига амал қилишга тайёр субъектлар иштирок этади.

Аниқроқ қилиб айтганда, кредитлаш субъектларига қуйидагилар киради:

- давлатга қарашли корхона ва ташкилотлар;
- кооперативлар;

- ишлаб чиқариш субъектлари ва савдо ташкилотлари;
- якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фермерлар, микрофирмалар, ширкатлар ҳамда турли тижорат бирлашмалари;
- бошқа банклар;
- турли хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан ҳукумат корхоналари, қўшма корхоналар ва халқаро ташкилотлар.

Шундай қилиб, кредитлаш объекти ва субъекти турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Банклар учун энг муҳим вазифа — миждознинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини баҳолаб, кредит рискларини минимал даражада ушлаб туришдир.

Кредитлаш объекти сифатида кўпинча товар-моддий бойликлар устувор аҳамиятга эга бўлади. Корхоналарда улар ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилиши, мавсумий ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолларда захираларни режадан ортиқ тўпланиши, импорт маҳсулотлари келиб тушиши ёки уларнинг ташиш харажатларини қоплаш каби ҳолатларда банк кредитларига эҳтиёж туғилади. Шунингдек, савдо ва таъминот ташкилотларида ортиқча товар захиралари шаклланганда ҳам кредит зарурияти юзага келиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштиришда ҳам кредитнинг аҳамияти катта. Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида маблағлар тушуми билан харажатларнинг вақти мос келмаганда, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ортиб кетганда ёки янги маҳсулот турини йўлга қўйиш, корхонани таъмирлаш ва модернизация қилиш зарурати пайдо бўлганда кредит воситалари қўлланилади.

Айланма маблағлар асосан дебиторлик қарзлари ёки товар-моддий бойликлар билан таъминланади. Қурилиш соҳасида эса “оралиқ” кредитлар кенг тарқалган бўлиб, улар бинолар ва иншоотлар қурилиши, савдо марказлари ташкил этилиши учун ажратилади. Бундай кредитлар қурилиш материаллари ва жиҳозларини сотиб олиш, ишчи кучини жалб қилиш каби мақсадларга йўналтирилади.

Чакана товар айланмасига берилган кредитлар эса асосан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар – автомобиллар, маиший техника, мебеллар хариди учун қўлланилади. Бу ҳолатда кредит бериш дилерлар билан тузилган шартнома асосида пайдо бўладиган дебиторлик қарзини молиялаштириш шаклида амалга оширилади. Бундай амалиёт кўпинча факторинг деб ҳам аталади.

Кредитлар фирмаларнинг жорий эҳтиёжларини қоплаш, айланма маблағларнинг айланишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом эттириш учун қўлланилади. Улар кўпинча тез пулга айланувчи активлар гарови остида берилади ва, одатда, 12 ойгача муддатни ўз ичига олади. Таъминот сифатида хом-ашё захиралари, тайёр маҳсулот, товар-моддий бойликлар ёки дебиторлик қарзлари қабул қилинади. Тижорат банклари факторинг операциялари орқали фирмаларга уларнинг дебиторлик қарзларининг 90% миқдорида кредит ажратиши мумкин.

Кредит воситалари ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳам қўлланилади: корхоналарнинг мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблари, аккредитив очиш, иш ҳақини тўлаш ёки давлат корхоналарига ажратиладиган маблағлар шулар жумласидандир.

Узоқ муддатли кредитлар эса қуйидаги объектларни молиялаштиришга йўналтирилади:

- ишлаб чиқариш объектларини қуриш;
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш;
- техника, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини харид қилиш;
- янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини барпо этиш.

Қўриниб турибдики, кредит турларига қараб уларнинг объекти ва субъектлари фарқ қилади. Масалан, тижорат кредитида объект товар ҳисобланса, субъект сотувчи ва харидордан иборат бўлади. Банк кредитида эса турли объектлардан фойдаланиш мумкин, истеъмол кредитида объект сифатида истеъмол товарлари иштирок этади, халқаро кредитда эса субъектлар асосан давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Қодиров, А. (2005). Тижорат банклари фаолиятининг таҳлили. Бозор, пул ва кредит. Тошкент.
2. Қодиров, А. (2004). Кредит бериш механизмини такомиллаштириш. Бозор, пул ва кредит, №6, 10–13-бетлар. Тошкент.
3. Чулчиев, З. (2013). Банк кредитлари – юрт фаровонлигини таъминлашга. Бозор, пул ва кредит, №1, 31–33-бетлар. Тошкент.

4. Абдуллаева, Ш.З. (2007). Пул, кредит ва банклар. Тошкент.
5. Муминова, М.Б. (2019). Кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг назарий асослари. Тошкент.
6. Бозоров, Р. (2024). Инфляция ва солиқ сиёсати ўзгаришларининг банкларнинг кредит фаолиятига таъсири. Иқтисодиёт журнали. Тошкент.
7. Костина, М.В. (2020). Кредит сиёсатини риск-менежмент воситаси сифатида қўллаш. Москва.
8. Иванова, Н.А. (2018). Замонавий шартларда кредит сиёсатининг стратегик аҳамияти. Москва.
9. Печенкина, О.С. (2019). Коммерция банкларида кредитлашнинг назарий-амалий жиҳатлари. Москва.
10. Кузнецова, В.В. (2021). Банк кредит сиёсати ва унинг самарадорлиги. Санкт-Петербург.
11. Ларина, О.И. (2020). Кредит портфелини бошқаришда инновацион ёндашувлар. Москва.